

## А Ж Р И М

2025 йил сентябрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Музработ туман суди ўз биносидан жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди билан видеоконференцалоқа тарзида, очиқ суд мажлисида раислик қилувчи: Я.Беккамов, судья ёрдамчиси Д.Шерановнинг котиблигида, тарафлардан Музработ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Нормуродов, фуқаровий даъвогар Ф.Эшонкулова, судланувчи Ш.Рухидинов ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Чориевнинг иштирокида, Рухидинов Шерали Нуриддиновичга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рухидинов Шерали Нуриддинович (RUXIDINOV SHERALI NURIDDINOVICH), 1994 йил 2 август куни Музработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, депутат эмас, судланмаган, ҳарбий хизматга мажбур, Муработ тумани “Орият” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 22 августда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи ва жабрланувчи ва гувоҳ кўрсатувларини тинглаб, қуйидагиларни,

## А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки суриштирув давомида тўпланган ҳужжатларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 07.10.2023 йилдаги №2-1902-2302/6397-сонли суд буйруғига асосан қарздор Рухидинов Шерали Нуриддиновичдан ундирувчи Эшонкулова Фарида Комиловнанинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун у вояга етгунига қадар ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 29.11.2023 йилдаги №2-1902-2302/6457-сонли ижро варақасига асосан қарздор Ш.Н.Рухидиновдан ундирувчи Ф.К.Эшонкулованинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг уч ёшга тўлгунича қадар 04.10.2023 йилдан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 25 фоизи миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Қарздор Ш.Н.Рухидинов 04.10.2023 йилдан 01.09.2024 йилга қадар 13.459.953 сўм алимент пулларини тўламаганлиги учун 04.09.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқбузар деб топилиб, 15 (ўн беш) сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган ва жазони тўлиқ ўтаб чиққанлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жиноят содир этиш йўлига кириб, 01.09.2024 йилдан 01.07.2025 йилга қадар 15.543.422 сўм ҳамда



04.10.2023 йилдан 01.07.2025 йилга қадар 5.713.750 сўм уч ёшгача моддий таъминот пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Судланувчи Ш.Рухидинов жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди биносидан видеоконференцалоқа тарзида суд мажлисида иштирок этиб, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у бир нафар вояга етмаган фарзанди учун алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли, суднинг 04.09.2024 йилдаги қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳам алимент пулини тўламаганлигини, ҳозирги кунда у даъвогар Ф.Эшонқуловага тўлаши керак бўлган жами 21.257.172 сўм алимент пулларини тўлиқ тўлаганлиги, бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар тўлаши керак бўлган тўловларни ҳам олдиндан тўлаб қўйганлигини, ҳозирги кунда ишлаб пул мақсадида у Тошкент шаҳрига кетганлиги, шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди биносидан видеоконференцалоқа тарзида суд мажлисида иштирок этаётганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб жавобгарликдан озод қилишни сўради.

Гувоҳ Ф.Давлаев суд мажлисида у Мажбурий ижро бюроси Музработ туман бўлимида давлат ижрочиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 07.10.2023 йилдаги №2-1902-2302/6397-сонли суд буйруғига асосан қарздор Рухидинов Шерали Нуриддиновичдан ундирувчи Эшонқулова Фарида Комиловнанинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун у вояга етгунига қадар ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 29.11.2023 йилдаги №2-1902-2302/6457-сонли ижро варақасига асосан қарздор Ш.Н.Рухидиновдан ундирувчи Ф.К.Эшонқулованинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг уч ёшга тўлгунича қадар 04.10.2023 йилдан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 25 фоизи миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, қарздор Ш.Н.Рухидинов 04.10.2023 йилдан 01.09.2024 йилга қадар 13.459.953 сўм алимент пулларини тўламаганлиги учун 04.09.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқбузар деб топилиб, 15 (ўн беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги ва жазони тўлиқ ўтаб чиққанлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 01.09.2024 йилдан 01.07.2025 йилга қадар 15.543.422 сўм ҳамда 04.10.2023 йилдан 01.07.2025 йилга қадар 5.713.750 сўм уч ёшгача моддий таъминот пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлигини, Ш.Н.Рухидиновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг жами 22.717.527 сўм алимент пуллари “мунис” тўлов тизими орқали ундирувчи Ф.Эшонқуловага тўлиқ ундириб берилганлигини, Ш.Н.Рухидиновнинг 01.07.2025 йилга қадарли алимент қарздорлиги тўлиқ ундирилганлигини, бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар тўлаши керак бўлган алимент тўловларни ўз вақтидан тўлаб келганлигини, тўлов Мунис тизими орқали амалга оширилганлиги сабабли ўз тасдиғини топишлигини баён қилиб кўрсатув берди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 411-моддасида, жабрланувчи суд мажлисига келмаса, суд жабрланувчининг иштирокисиз ишдаги барча ҳолатларни тўла аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб, жиноят ишини муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал этиши белгиланган.

Суд муҳокамасига белгиланган тартибда чақиртирилган фуқаровий даъвогар Ф.Эшонқулова судга ташриф буюриб, судланувчи Ш.Рухидиновни видеоконференцалоқа тарзида иштирок этаётганлигига норозилигини билдириб, ундан норозилиги сабаби сўралганида, унга уйдагилари бу ҳақида тайинлаб юборишганлигини маълум қилиб суд биносидан чиқиб кетди. Суд, тарафлар фикрини инобатга олган ҳолда, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлигини инобатга олиб, жабрланувчининг иштирокисиз суд муҳокамасини давом эттиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 3-қисмига кўра, агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 8-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатилиши лозим.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Ш.Рухидинов томонидан фуқаровий даъвогар Ф.Эшонқуловага ундирилиши белгиланган 21.257.172 сўм алимент пуллари мавжуд тўлов қвитанциялари ҳамда мажбурий ижро бюросининг маълумотномаси асосида моддий зарар тўлиқ қопланган.

Бундай ҳолатда ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган қонун нормаси мазмунига кўра, судланувчи Ш.Рухидиновни жиний жавобгарликдан озод қилиниши ҳамда унга оид жиноят иши ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 8-бандига асосан тугатилиши лозим.

Суд, давлат айбловчиси Ш.Нормуродовнинг хулосасини тинглаб, ҳимоячи адвокат С.Чориевнинг фикрини эшитиб, судланувчи Ш.Рухидинов мазкур жиноят иши юзасидан 21.257.172 сўм алимент қарздорлигини жабрланувчи Ф.Эшонқуловага тўлиқ тўлаганлигини, муқаддам судланмаганлиги, у содир этган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришлигини, судланувчи айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, уни жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 8-банди ва 423-моддасини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Рухидинов Шерали Нуриддинович (RUXIDINOV SHERALI NURIDDINOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 3-қисмига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, унга оид жиноят иши ЖПК 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан тугатилсин.

Рухидинов Шерали Нуриддиновичга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Фуқаровий даъвогар Ф.Эшонкуловага ундирилиши белгиланган 21.257.172 (йигирма бир миллион икки юз эллик етти минг бир юз етмиш икки) сўм алимент пуллари мавжуд тўлов қвитанциялари ҳамда мажбурий ижро бюросининг маълумотномаси асосида тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Я.Беккамов

